

# ИНСОН ВАҚОНУН

Қонун - ҳам қилмиш, ҳам қалқондир!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОЙ-ОММАБОП ҲАФТАЛИК ГАЗЕТАСИ

1996 йил 30 январдан  
чиқа бошлаган

2000 йил  
18 июл, сешанба

№ 29 (181)

Сотувда эркин  
нарихта

2000 йил 26 майда Олий Мажлисининг иккинчи чақирғи иккинчи сессияси янги тахрирдаги "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонунни қабул қилди. У 2000 йилнинг 1 сентябидан амалга киритилади.

Хўш бунга зарурят бормиди? Ахир, бу ҳақда 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган Қонун мавжуд эди-ку? Ҳа, бунга ҳаёт тақозо этди, айрим корректларга зарурат вужудга келди.

Таъкидлаш жоизки, илгариги тахрирдаги Қонун республикамизда мустақил молиявий назорат тизими ҳуқуқий асосларини яратиш борасидаги дастлабки уриниш эди. Умуман у ҳам ижобий рол ўйнади. Бироқ, аудиторлик текширувлари натижаси юзасидан ўз жавобгарлиги тизими, буюртмачилар ёки ҳўжалик юритувчи субъектларнинг қонуний манфаатларини ҳимоялаш, аудиторнинг малакасига оид талаблар ва бошқа ҳолатлар тартибга солинмай қолган эди. Бундай ҳолат амалиётда баъзи тўшунмовчиликларни келтириб чиқарди.

Шунингдек, давр сайин иқтисодиётда, ҳўжалик юритувчи субъектлар ўзаро муносабатларида, ҳисоб-китоб юритишда кескин ўзгаришлар юз берди. Хусусан, ҳалқаро стандартларни ҳисобга олган бухгалтерлик ҳисоби, аудит стандартлари ҳақида ҳужжатлар қабул қилинди. Иқтисодий ислохотлар чуқурлашуви жараёнида аудитор-

## Қонун ва шарҳ

аудиторлик сертификати олишида ҳисобга олинishi қонунда назарда тутилган.

1992 йилдаги қонунда аудиторлик фаолиятини юридик ва жисмоний шахслар амалга оширилиши кўзда тутилган эди. Янгисида эса бу фаолияти фақат юридик шахс - аудиторлик ташкилотининг лицензияланган ваколатидир.

Янги қонунда аудиторлик ҳулосалари тузишда ҳолисликни таъминловчи, кўрсатилган хизматнинг сифати учун жавобгарликни белгиловчи аудиторлик фаолиятининг асосий тамойили - мустақиллигини таъминловчи мажбурий талаблар кўйилган. Масалан, 5-моддасида вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар ва бошқа давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари аудиторлик ташкилотлари тузишини ман этиш акс этган.

Ваҳоланки, илгари аудиторлик фирмаларининг асосий қисми вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар томонидан ташкил этилар эди.

Оқибатда бундай тармоқ, соҳа мутасаддилари кўйи корхоналарни ана шу аудиторлик фирмалари билан шартнома тузишга мажбур қилган. "Ёнилик қозон" ёниликчи, очилганига топшириқ билан амалга оширилишига олиб келган, тобелик умумий ишга салбий таъсир қилган

чи ва ҳиссадор, назоратчи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора аудиторлик текшируви ўтказиш ташаббускорлари сифатида қайл этилди.

Мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилишида ҳўжалик субъектининг ўзи унинг буюртмачиси бўлади.

Қонун ҳўжалик субъектлари мажбуриятини назарда тутиб, аудиторлик текширув пайтида унинг ҳуқуқларини ифодаламайди. Шу боис унга аудиторлик текшируви жараёнида ҳўжалик субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқланган қонда киритилди. Бу ҳуқуқлар текширув натижалари билан танишиши, бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби, молиявий ва статистик ҳисоботлар, йўл қўйилган камчилик ва ҳатолар ҳақида аудиторлардан маслаҳат ва тавсиялар олиш, аудиторлик текшируви билан боғлиқ бўлган баҳсли масалалар юзасидан судга мурожаат қилиш кабилардир.

Аудиторнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш, мустақиллигига таъсир ўтказиш ва ноқонуний аралашганилик учун алоҳида модала билан жавобгарлик масаласи назарда тутилган.

Ёки тахрирдаги қонунга кўра, аудиторлик хизматлари учун ҳақ текшириш ўтказилаётган корхона эмас, балки текширишни тайинлаган ташкилот томонидан қопланадиган қўрсатилган эди. Бироқ, бу тартибга ҳар доим ҳақ қўйилмади. Бунга мисоллар старли, шу боис янги

## АУДИТОР-ИҚТИСОДИЁТ МУТАХАССИСИ

лик фаолиятининг миллий тизими орқада қолиши, ҳалқаро стандартларга мос келмай қолиши кузатилади.

Қолаверса, илгариги қонун бир қадар маънан эскирди, чунки у бозор иқтисодиёти асослари энди пайдо бўлаётган даврда ишлаб чиқилган эди.

Юқорида қайл этилган камчиликлар боис аудиторлик фирмалари ҳўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисоботи ва фаолияти тўғрисида нотўғри ҳулосалар бериши ҳоллари кузатилди. Бундан вазиятга қараб, гоҳида мижоз, бошқа ҳолда уларнинг шериклари ёхуд давлат зарар кўрарди. Даромадларни солиқдан яширишга ёрдам бериш орқали мижозлар билан жиноий тил бириктириш ҳоллари ҳам учраб турарди. Юзак текширув ва чала ҳулосаларни манфаатдор тарафларга сотувчи аудиторлар пайдо бўлган эди.

Текшириш "текширув" режасини бажарувчи, ажратилган маблағларни арра қилувчи аудиторлик фирмаларга ҳам дуч келина бошланган.

Яна бир жиҳати, бу - аудиторнинг жаҳон ҳамжамияти таърибасига мос келмаётганиги бўлди, вазият уни ҳалқаро стандартларга мувофиқлашувини талаб этди.

Шу боис қонун янги тахрирда ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

Янги тахрирдаги қонуннинг асосий тамойиллари аудитнинг миллий тизимини бозор иқтисодиёти талабларига мувофиқлаштириши, ҳалқаро стандартларга жавоб бера оладиган хизмат бозорини кенгайтириш, аудиторлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ муносабатларни малакали тартибга солиш ҳамда мулкдор ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга қодир мустақил молиявий назорат тизимини шакллантиришга қаратилди.

Унинг асосий вазифаси мамлакат аудит тизими вазифаларни босқичма-босқич, самарали ва муваффақиятли ечими учун шароит яратишдан иборат бўлди.

Қонун аудиторлик фаолиятини тадбиркорлик фаолияти деб белгилади, аудиторлик фаолиятини юритувчи ташкилотлар ваколатини аниқлаб берди, аудиторлик текширувлари рўйхатини ва фаолияти чегарасини ойдинлаштирди.

Қонунда кўшимча қонда тарзида банкларда аудиторлик текширишларини олиб бориш тартиби Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланиши акс этди.

Энди аудиторлик фаолиятини фақат юридик шахс - аудиторлик ташкилоти таркибиде амалга ошириш мумкин. Бу эса текширилаётган субъектларнинг ҳимоялашни имкониятини ошириши ва сифатсиз ўтказилган аудиторлик текширувларидан эътиказилган зарарни қоплашни назарда тутади.

Амалиётда аудиторлик текширувлари узоқ муддатга чўзилishi ва бу ҳўжалик субъекти иш режимида салбий оқибатларга олиб келиши ҳоллари учрайди. Бунинг асосий сабабларидан бири текширув жараёнида катта ҳажмдаги техник ишлар яъни ҳужжатлар тайёрлаш, ҳисоб-китоблар, турли инспекторлик ишлари кабилардир. Янги тахрирдаги қонунда келтирилган бу ишларни аудитор ёрдамчиси амалга ошириши назарда тутилган.

Бу институтнинг киритилиши эса келгусида малакали, профессионал аудитор кадрларга эга бўлишга ҳам хизмат қилади. Аудитор ёрдамчиси тарихида иш даври, унинг

Аудиторлик фаолиятида ҳолисликни таъминловчи мустақил аудиторлик ишини юритишни таъминлаш, кўрсатилган хизматнинг сифати учун жавобгарликни кучайтириш мақсадиде янги тахрирдаги Қонун кўйидаги талабларни кўйди:

- аудиторлик ташкилоти устав капиталининг 51 фоиздан кам бўлмаган қисми битта ёки бир нечта аудиторга тегишли бўлиши керак. Хорижий аудиторлик ташкилотининг филиали ёки шўба корхонаси бўлган аудиторлик ташкилотлари бундан мустасно;

- аудиторлик ташкилотининг штат бириги камида иккита аудитордан иборат бўлиши керак;

- аудиторлик ташкилотта фақат аудитор раҳбар бўлиши мумкин.

Маъмур фаолият тавakkалчилик билан боғлиқлиги боис, уни ўтказишда фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик ҳақида сугурта ҳужжати бўлиши талаб этилади. Бу талаб ҳалқаро амалиётда кенг қўлланилади.

Аудиторлик текшируви субъектлари ва объектларини ҳимоя қилиш мақсадиде қонунга аудиторлик ташкилотларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида алоҳида модала киритилди. Аудиторлик фаолиятининг бурчи, ваколати, ҳуқуқлари кенгайтирилди, жавобгарлиги кучайтирилди. Ҳаётда аудитор ташкилотининг сифатсиз текшируви натижасида етказилган зарар, бой берилган фойда ҳўжалик субъектларига, текширув буюртмачиларига ундириб берилиши акс этди.

Аудиторлик ташкилотлари мустақиллиги кучайтирилди. Энди улар текширув ўтказиш учун шартнома тузиш, ҳўжалик юритувчи субъектнинг таъсис ҳужжатлари ва бухгалтерик ҳисоби ва молиявий ҳисоботи ҳужжатлари билан танишиши, ишончли аудиторлик ҳулосаси тузиш учун зарур маълумотлар тақдим қилинмаганда аудиторлик текшируви ўтказишдан бош тортиши мумкин.

Қонун аудиторга объектдан олинган ахборотни сир сақлаш мажбуриятини юкледи. Аудитор ва унинг ёрдамчиси текширув ҳужжатларини учинчи шахсга бериши ёки озгари маълумот бериши ман қилинди, акс ҳолда қонунга кўра жавобгар бўлиши белгилаб қўйилди.

Қонунга кўра аудиторлик текширувлари акциядорлик жамиятлари, банклар ва бошқа кредит муассасалари, сугурта ташкилотлари, сармоа ва маблағ тўловчи фондлар ва уларнинг бошқарув компаниялари, хайри, юридик ва жисмоний шахслар томонидан ихтиёрий маблағларини олувчи бошқа ижтимоий фондлар, бюджетдан ташқари фондлар, устав фондиде давлат ҳиссаси бўлган ҳўжалик субъектларига ўтказилиши белгилаб қўйилди.

Шунингдек, ҳўжалик субъектлари мажбурий аудиторлик текширувидан бош торган ҳолатларда, энг кам иш ҳақининг юз баравардан беш юз бараваригача миқдорда жаримага ва унинг раҳбари қонунда белгиланган жавобгарликка тортилди. Жарима тўлаш ўз навбатида объектни аудиторлик текширувидан озод қилмайди.

Қонунда ҳалқаро стандартларга мос "аудитор текшириш ташаббуси" тушунчаси ўрин олиб, предмет, мудала ва бошқа шартлар аудиторлик ташкилоти ва буюртмачилар ўртасида тузиладиган шартномага мувофиқ аниқланиши белгилаб қўйилди. Бунда аудиторлик текшируви буюртмачиси ёки субъект ҳўжалик субъекти эгаси сифатида, белгиланган миқдорда устав фондиде ҳиссаси бўлган қатнаш-

қонунда "Назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ташаббуси билан аудиторлик текширувларини ўтказиш", деб номланган модала ўрин олди. Бу қонда ҳарajatларни аудиторлик текшируви тайинлаган орган ҳисобидан қопланишини аниқлаб қўйди.

Қонунда мустақил аудиторлик текширувини таъминлаш ва "чўнгат" текширувига йўл қўймаслик мақсадиде аниқ чекланишлар белгиланди, яъни ўзига нисбатан мулк эгаси бўлган ҳўжалик субъектларида, шунингдек, акционер, ҳиссадор, кредитор, сугуртачилари, шунингдек аудиторлик ташкилотлари ва аудиторларга тегишли мулкдор, ҳиссадор, қатнашчилари каби объектларда текширувлар таққиланди.

Аудиторларга текширув усули, ҳўжалик субъектлари молиявий ҳисоботи ишончилиги ҳақида фикр билдириш ҳуқуқи берилди.

Янги қонунда аудиторлик ташкилоти ўз малакали фаолияти билан, ҳолисона обрўси билан мижозларни жалб этиш ва сақлаб қолиши мумкин омили сифатида акс этди, аудиторлик ҳисоботи, ҳулосаси каби тушунчалар аниқ белгиланди. Миллий аудитни ҳалқаро аудит стандартларига мослаштириш мақсадиде бу тушунчалар қонун даражасида мустаҳкамланди. Қонунда аудиторлик ҳулосаси аудиторлик ҳисоботининг асосини ташкил этиши, у аудитор ва раҳбар томонидан имзоланиши, муҳр билан тасдиқланиши белгиланди.

Янги қонун ёлгон аудитор ҳулосаси ва аудиторлик ҳисоботи тушунчасини аниқлаб, ҳулосанинг текширувсиз тузиладигани ёки текширувда олинган ва ўрганилган ҳужжат мундарижасига зид келган ҳолда аудитор ва аудитор ташкилотининг жавобгарлигини белгилаб берди.

Бундан ташқари, қонунда аудиторлик фаолиятини йўналтирувчи давлат тизими махсус ваколатли бошқарув органлари ва уларнинг вазифалари аниқланди.

Аудиторлик фаолиятида юқори сифатли хизмат асосий ўрин тутди. Улар етарли даражада билимли, маҳоратли ва ваколатли бўлиши, қонунчиликдаги янгиликлардан хабардор, зарурий маълумотлардан воқиф бўлиши керак.

Шу мақсадда Қонун аудиторларни тайёрлаш ва малакасини ошириб бориши назарда тулган, зеро, юқори савия, билим, малака ва қобилият ижобий ишлар гаровидир.

Илгаригидан фарқли Улароқ, янги қонунда аудиторлик фаолиятини тўхтатиш ва тугатиш, малака сертификати ва лицензиясини бекор қилиш тартиблари акс этган. Бунда ҳар қандай ваколатли давлат органларининг қарори устидан судга арз қилиш мумкин. Суд ўз қарори билан низога ечим топади, лозим бўлса асосий ҳаракатларга чек қўйилади, бузилган манфаат ва ҳуқуқ тикланади, зарарлар ундирилади.

Ҳуллас, мамлакатимиз аудиторлари фаолияти жаҳон амалиёти талабларига етиб олиши керак. Шундагина ҳалқаро мослашув осонлашади. ҳар қандай қонун ижроси билан кучли. Бундан "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги қонун мустасно эмас. Демак, бу ишга жиддий ёндошув, ёрдам кўрсатиш ва қатъий назорат ўрнатилиши муҳим вазифа қилиб қўйишимиз керак.

Шухрат ЧУЛЛИЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлиги Қонунчилик  
бошқармаси бошлиғи

Мустақиллигимизнинг  
9 йиллиғига  
44 кун қолди

ТЕРМИЗ -  
ИСТИҚЛОЛ  
ЙИЛЛАРИДА



Кўча Термизнинг тарихи ҳақида кўп ва хўп ёзилган. Бугунги Термиз эса... Бундан тавассутом беш йил аввал Термизга келган киши Сурхондарё вилояти марказининг бугунги қиёфасига бир нигоҳ ташласа, мафтун бўлиши мумкин. Ер юзиде шундай улғу ва машхур шаҳарлар бўлганки, азир қадимги дунё тарихидан бохабар бўлсангиз, уларнинг аксарияти бошидан бирор ёвуз, фотих саркарданинг босқинини ўтказган бўлса, қайта қад қутара олмаган. Термиз эса ўнлаб марта тур-



ли минг йиллиғи юз йилликларда босқинчи, ганимлар томонидан вайронана, култепаларга айланган эди. Аммо "нешонаси ярқирақ" шаҳар дунёга қайта-қайта келаверди, қад ростилаверди. "Панжаши қаттиқ" советлар империяси даврида эса Термиз мамлакатимизнинг хоржиқ билан чегарадор бўлган энг чекка шаҳарчаси эди. Юрт мустақиллиғи, Президентимиз эътиборидан сўнг Термиз баъмисли ёш келинчадек чирой очди, зуллаб-яшнаш бошлади. У яқин йилларда мамлакатимизнинг хоржиқга чикайишган жанубий дарвозасига айланади.

Суратлар муаллифи  
Бобоқул АБДУРАСУЛОВ,  
жамоатчи фотомухбир



**СОЛИҚ ҚОНУНЧИЛИГИГА ТАЯНИБ...**

**Иқтисодиёт чорраҳаларида**

Маълумки, мамлакат иқтисоди солиқлар, турли тушумлар ва тўловлардан ташкил топади. Солиқ тушумлари тўғрисидаги қонун ва кўрсатмалар мамлакатимиз иқтисодини мустаҳкамлашга қаратилган. Солиқ идоралари ходимлари зиммасида эса уларга қатъий амал қилган ҳолда фаолият юритиш юклатилган. Ишнинг олти ойи яқин тонди. Самарқанд вилоятининг Иштихон туманида ўтган ярим йилда солиқ тушумлари ва тўловлари режаси қандай бажарилди? Муҳбиримиз ишбу савол билан туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Шонғиз ПОЛВОНОВга мурожаат қилди.

Ходимларимиз жорий йилнинг ўтган биринчи ярмида белгиланган режани 125,5 фоизга бажариб, давлат бюджетига 262255,1 минг сўм маблағ туширдилар. Юридик шахслардан 11885,6 минг сўмлик ер солиғи, 3341 сўмлик мол-мулк солиғи бюджетга олинди. Таҳлилларимиз шуни кўрсатаптики, ўтган йилларга нисбатан бошқа турдаги солиқлар ва тўловларнинг бюджетга тушишида ҳам анчагина ижобий ўзгариш килинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ҳўжалик юритувчи субъектларни текшириши ташкил қилишни тартибга солиш

тўғрисида"ги Фармони ҳамда Вазирлар Маъжамасининг 1999 йилги 496-сонли қарорининг бажарилишига доир бир қатор ишлар амалга оширилди. Ҳўжалик юритувчи субъектларда текширишлар сони ўтган йиллардаги нисбатан анчага қисқартирилди.

Режага кўра инспекциямиз ходимлари корхона ташкилот, хусусий фирмаларда бўлиб, солиқ қонунчилиги талаблари қандай бажарилаётганини кузатишди, текширишлар ўтказишди. Уларда хато ва камчиликлари аниқланган тўловчилар 52 та, даромад ва бошқа солиқ манбаларини яширганлардан 34 та шахс аниқланди. Шунинг натижасида бюджетга 3541,0 минг сўм қўшимча ҳамда 6485,7 минг сўм молиявий жарима ундирилди. Солиқ қонунчилиги бузилишига йўл қўйган 70 нафар мансабдор шахсга 365,7 минг сўмлик маъмурий жарима қўлланилди. Иштихон шаҳридаги 6-механи-

зациялашган кўча қурилиш колониасида катта миқдордаги солиқни қасдан қаммайтириб кўрсатишган. Мансабдор шахслар — Ш.Усмонов ва К.Турсуновлар устидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 184-моддаси 3-қисми билан жиноий иш қўзғатилди. Шунингдек, "Садоқат" хусусий фирмасига қарашли автомобилларга ёқилғи қуйиш шахобчаси оператори А.Мусурмоновга нисбатан ҳам харидор ҳақида хибнат қилгани учун тергов ҳаракатлари олиб бориляпти.

Мухтасар қилиб айтганда, мамлакатимиз иқтисодиётини янада мустаҳкамлаш, давлат бюджетини тагин ҳам бойитишда солиқ қонунчилигига таяниб астойдил хизмат қилаверамиз.

Сухбатдош:  
Абдуқошиқ  
ХУДОЙБЕРДИЕВ,  
"Инсон ва қонун"  
муҳбири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДАЛИЯ ВАЗИРАЛИГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ 2000-2001 УҚУВ ЙИЛИ УЧУН МАГИСТРАТУРАГА:

"Оммавий ҳуқуқ",  
"Хусусий ҳуқуқ",  
"Экология ҳуқуқи",  
"Молия ва солиқ ҳуқуқи",  
"Криминал ҳуқуқ",  
"Адвокатура",  
"Халқаро ҳуқуқ"

Мутахассисликлари бўйича

**ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Хужжатлар Тошкент Давлат юридик институтиде (Тошкент шаҳри, Саййагоҳ кўчаси, 35) 2000 йил 30 июлгача қабул қилинади.  
Маълумот учун телефон: 132-05-97.  
Қабул комиссияси

**БУГУНГИ СОНДА:**

ТЕГИБ ЁКИ  
"СУКИБ"  
БЎЛМАС ОДАМ

4-бет



БИРОВГА ҚАРЗ БЕРСАНГИЗ...

Газетангининг шу йил 25 апрел сонид...

Акс-садо

Узбекининг тўйида, иморат қурилишида...

Қарз муддатида қайтарилса яхши, лекин...

Қонунда шартнома бўйича қарз берувчининг...

Фуқаролик Кодексининг 227-моддасига мувофиқ...

Буларнинг бари — қонун талаби. Таъкидлаш жоизки...

Урганч тумани марказида истиқомат қилувчи Махмуд...



Урганчлик Махмудбек ҳам ана шулар тоифасидан...

Фарҳод ДўСТҚОНОВ, Хоразм вилоят адлия бошқармаси бош масъул

КЎҲНА ВА ҚАДИМИЙ ХОРАЗМ...

Ушбу саҳифа хоразмлик ҳамкасбларимиз ва ҳуқуқшуносларимиз билан ҳамкорликда тайёрланди

Хоразм - мозийнинг ҳозир орази, Хоразм - болалик аразим. Йилларки сен томон талпинади дил, Сенга етганим йўқ ҳали, Хоразм!



Паҳлавон Маҳмудни энди танидим, Сенга етганим йўқ. Тарих билади, Хоразм, мен сенга етмоғим учун, Бутун абадият камлик қилади!

Сирожиiddин САЙИД

Қонун ва ижро

Ўзбекистон Республикасининг "Қишлоқ хўжалиги корхоналарини сана...

Танишларимдан бирининг уйига йўлим тушди. "пенсияер одам, уйда бўлса керак" деган...

Узинг-чи, нега уйда ўтирибсан, ишламайсанми? - дедим йигитчага.

Уғил "қунимиз бобойнинг пенсиясига қолган" дейишдан оро қилди шекилли, ерга қаради. Шу пайт уйдан ота...

...Гурланга йўлим тушди. Қўшни Туркман ва Қорақалпоқ эли билан туташ сарҳаддаги "Қорақалпоғистон" ширкат хўжалиги сари бораяпман.

Бораверинг, раис ҳаммасини айтиб беради: хоҳлаган маълумотни оласиз, - туман ҳокими Раҳимбой...

Қишлоқда ҳаёт ҳеч маҳал жўн кечмайди. Минг югурсанг-да, ҳаммаши бари кам чиқверади. Харжлаганинг ҳам "ха" деганда ўрнига қўймайсан.

Собик "Қорақалпоғистон" жамоа хўжалигини 2,5 йил муқаддам ана шу омилкорлик танқислиги оёқдан чалди.

баробар ўрни йўқ қарзлар исканжасида санация ҳолатига қадам қўйганлар, - таъкидлади собик таш...

Раиснинг айтгани: салкам 20 миллион сўм харажатлар билан даромадлар ўртасидаги муаллақ рақам. Аникроғи, 20 миллион харжлангани холда бирон сўм ҳам даромад қўрилмагани тасдиғи.

САЪДУЛЛА БОБОНИ ЎЙЛАНТИРГАН "ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН"

лигига йиллар мобайнида боқиманда бўлиб келган мактаблар, боғчалар, тиббий таъминот муассасалари, бошқа айрим ташкилотларнинг харажатларини, шунингдек, йўллар, иншоотларни таъмирлаш ва таъминлаш маблағларини давлатимиз ўз зиммасига олди.

Биргина гишт заводи учун сарфланган салкам 2 миллион сўм маблағнинг ўрни ва санацянинг илк йиллидаёқ қопланди, - дейди раис.

Булар-ку, хўжаликнинг ёрдамчи тармоқлари. Аммо раванқлиги тақдирини асосий тармоқлар — қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан боғлиқ юмушлар ҳал этади. Бу соҳада санацянинг дастлабки йили амалга оширилган ишлар сезиларли бўрилишларга олиб келди; тараққиёт учун бир пойдевор ясалди.

Бош ҳисобчи ўз фикрини фактлар, рақамларга қаққан ҳолда исботлаб берди. Чунончи қисқартirilган 639 ишчи ўрни эвазига тежаб қолинган маблағнинг ўзи бир неча ўн миллион сўмдан иборат бўлган.

Гийёфурушлиқнинг "босқини"дан кўпгина қўшни давлатлар сингари Ўзбекистон ва унинг шимол...

Анжуман

ДОЛЗАРБ МАСАЛА МУҲОКАМАСИ

Бу эса ўз ўрнида "вабо уруғини" истеъмол қилишга мойилликнинг ортшишига ҳам сабабчи бўляпти.

Бу соҳадаги ишлар ва вазифалар Хоразм вилоят ҳокимлиги ва Республика ҳуқуқий маърифат тарғиботи Марказининг вилоят бўлими ташаббусига асосан "Гийёхандлик — аср вабоси" мавзuida Урганчда ўтказилган илмий-амалий конференцияда ўз ифодасини топди.

Ушбу ҳақиқатлар яқини шу бўлдики, биргина пахта уруғлиги микдори ўтган йилги бурноғи йилдагидан 75 тоннага, ёқилғи харажатлари 1,5 миллион сўмга, маъданли ўғитлар сарфи 40 тоннага камайди.

1998 йили хўжалиқда бугдойнинг рентабеллик даражаси 10, шолиники 60, қанд лавагиники 19,6 фоизга етгани холда пахтачиликдан 16,2 миллион сўмлик иқтисодий зиён қўрилган эди.

Ушбу ҳақиқатлар яқини шу бўлдики, биргина пахта уруғлиги микдори ўтган йилги бурноғи йилдагидан 75 тоннага, ёқилғи харажатлари 1,5 миллион сўмга, маъданли ўғитлар сарфи 40 тоннага камайди.

Ушбу ҳақиқатлар яқини шу бўлдики, биргина пахта уруғлиги микдори ўтган йилги бурноғи йилдагидан 75 тоннага, ёқилғи харажатлари 1,5 миллион сўмга, маъданли ўғитлар сарфи 40 тоннага камайди.

Ушбу ҳақиқатлар яқини шу бўлдики, биргина пахта уруғлиги микдори ўтган йилги бурноғи йилдагидан 75 тоннага, ёқилғи харажатлари 1,5 миллион сўмга, маъданли ўғитлар сарфи 40 тоннага камайди.

Ушбу ҳақиқатлар яқини шу бўлдики, биргина пахта уруғлиги микдори ўтган йилги бурноғи йилдагидан 75 тоннага, ёқилғи харажатлари 1,5 миллион сўмга, маъданли ўғитлар сарфи 40 тоннага камайди.

Ушбу ҳақиқатлар яқини шу бўлдики, биргина пахта уруғлиги микдори ўтган йилги бурноғи йилдагидан 75 тоннага, ёқилғи харажатлари 1,5 миллион сўмга, маъданли ўғитлар сарфи 40 тоннага камайди.

Ушбу ҳақиқатлар яқини шу бўлдики, биргина пахта уруғлиги микдори ўтган йилги бурноғи йилдагидан 75 тоннага, ёқилғи харажатлари 1,5 миллион сўмга, маъданли ўғитлар сарфи 40 тоннага камайди.

Ушбу ҳақиқатлар яқини шу бўлдики, биргина пахта уруғлиги микдори ўтган йилги бурноғи йилдагидан 75 тоннага, ёқилғи харажатлари 1,5 миллион сўмга, маъданли ўғитлар сарфи 40 тоннага камайди.

Ушбу ҳақиқатлар яқини шу бўлдики, биргина пахта уруғлиги микдори ўтган йилги бурноғи йилдагидан 75 тоннага, ёқилғи харажатлари 1,5 миллион сўмга, маъданли ўғитлар сарфи 40 тоннага камайди.

Ушбу ҳақиқатлар яқини шу бўлдики, биргина пахта уруғлиги микдори ўтган йилги бурноғи йилдагидан 75 тоннага, ёқилғи харажатлари 1,5 миллион сўмга, маъданли ўғитлар сарфи 40 тоннага камайди.

Ушбу ҳақиқатлар яқини шу бўлдики, биргина пахта уруғлиги микдори ўтган йилги бурноғи йилдагидан 75 тоннага, ёқилғи харажатлари 1,5 миллион сўмга, маъданли ўғитлар сарфи 40 тоннага камайди.



Машарип ХАЙИТОВ, Хоразм вилоят адлия бошқармаси масъул ходими

Абдулла СОБИРОВ, "Инсон ва қонун" муҳбири

Тахриратимизга ҳар кун хатлар келади. Уларнинг аксариятида муаллифлар жойларда муаммоларнинг ўз вақтида ечими топмаётгани ҳақида куйиб ёсалар, баъзилари ўз ҳақ-ҳуқуқини талаб қилиб ёрдам сўрайди. Мана ўша хатлардан бири.

Муаллифи Қашқадарё вилоят Деҳқонobod тумани "Деҳқонobod" кооператив пай ҳўжалигида яшовчи, оли жўзалумотли ветеринария врач, собиқ ҳўжалиқнинг сутчилик ва паррандачилик бўйича ижарачиси бўлган Давлат Турдиев. Хатто бир неча варақдан иборат турли ёзишмалар, қарор, буйруқ, билдирги ва маълумотномалар илова қилинган. Унда эътибор талаб жисхатлар кўзга ташланади.

Келинг, яхшичи, уларни бирлашдира ўрганайлик.

Давлат Турдиев Шикоят-аризадан кўчирма: - Мен 1999 йил январ ойидан бошлаб шартнома асосида ҳўжалиқдаги сутчилик ва паррандачилик ижара ширкатиде бошқарувчи бўлиб ишлаб келардим. 5 ноябр кун кооператив пай ҳўжалиги янги раиси Жуманазар Жўраев уйимга келиб, ўзининг бир неча бош шахсий қорамолларини фермага олиб келганини, уларга ферма ҳисобидан алоҳида парварииш лозимлигини тайинлади. Мен ҳайрон бўлиб елка қисдим. Ахир, раис бепул молни боқаришини истаб қолган эди-да. "Иссиқ жан иситмасиз бўлмас" деганларидек, тобим (соғлиги ёмонлашганини - М) йўқлигини рўқач қилдим. Шу кунларда шифохонага доволаниш учун ётишим борлигини айтдим. Гапим раисга ёқинқирамади. Яхши, шифохонага бориб, доволанинг, деб пўнгиллади-да, чиқиб кетди. Ҳақиқатан бетоб эдим. 8 ноябрдан шифохонага ётқизилдим. Айни ўша кун ҳўжалиқ бошқарувининг кенгаш аъзолари ва бош мутахассислар иштирокисиз йиғилиши ўтказилиб, 38-К-сонли қарор қабул қилинганлиги ва унга кўра мени эгаллаб турган вазирамдан озод қилишганини эшитдим. Кейинчалик менинг аризимга кўра бу ҳолат туман прокуратураси ва ҳокимлиги томонидан текширилганда, кенгаш аъзоларидан — Саноева (қадрлар бўлими бошлиги), Э.Шодмонов, И.Қурбонов, Р.Бердиев, Я.Менглимуродов (қасаба уюшмаси раиси), Қ.Холпураева (мажлис котибаси)ларнинг тушунтириш хатлари бўйича кенгаш йиғилиши ва қарори сохта эканлиги аниқланган. Ҳисобидеги қорамоллар мен ва чўпон Абдумўмин Халиқов иштирокисиз далолатнома тузилиб, олиб қўйилди. Ҳисобдаги 100 тонналаб ем-хашак, подхоналар ва бошқа инвентар материаллар масаласи очиқ қолган.

30 ноябрда шифохонадан доволаниб қикдим. Эртаси кун "Меҳнатта вақтинча лавқатсиз" касаллик варақаси ва ишга киши туғрисида билдирги билан раис қабулига кирганимда, "Сиз ишдан бўшатилгансиз" дея қоғозимни иргитиб юборди. Шундан сўнг ишдан нотўри бўшатилганлиги ҳақида ҳўжалиқ қасаба уюшма кўмитаси раиси Я.Менглимуродов номига ариза билан мурожаат қилдим.

Шу ерда ариза ўқишдан тўхтаб, бошқа ҳўжатга кўз югуртирдим. Қасаба уюшмаси Д.Турдиевнинг аризасини ўрганиб қикиб, ҳўжалиқ бошқаруви раиси Ж.Жўраев номига билдирги тақдим қилди. Унда жумладан, шундай дейилган: "...ҳўжалиқнинг ферма мудир Турдиев Давлатни менига ёзиб берган аризасини ўрганиб қикиб, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 24-, 101-, 181-моддаларига зид равишда ишдан бўшатиш қарорини бергансиз. Шу қарорни бекор қилишини, Турдиев Давлат касаллик варақасида кўрсатилган муддат ичида ҳақиқатан ҳам касал бўлганлиги боис ҳодимни ишдан бўшатишга қонун йўли қўймайди. Шуларни ҳисобга олиб, Турдиев Давлатни ўз ишга

тиклашини сўрайман.

Элатма: юқорида кўрсатилган ишлар бажарилмасе, Деҳқонobod туман прокуратураси ва судга маълум қилишга тегишли ҳўжат беришга мажбур бўларман". Я.Менглимуродов, Қасаба уюшмаси кўмитаси раиси.

Тагин аризага кўчамиз: - "Ўз ҳақ-ҳуқуқимни талаб қилган мурожаатим тўқмоқ-тўқмоқ илдиз отиб, бошимга калтак бўлиб ёғилишини билганим-

дек..."

Айни пайтда шу мазмундаги тақрир ариза туман ҳокими номига ёзилган. Ҳокимиятдан эса ушбу аризадаги ҳолатни атрофлича ўрганиш туман қасаба уюшмаси раиси Р. Салимовга юборилган. Ушбу ҳолат қасаба уюшма раиси Р. Салимов томонидан ўрганилиб, 6-

Во, ажаб!

# ТЕГИБ ЁКИ "СЎКИБ" БУЛМАС ОДАМ

да эди, ҳаммасига ўшанда кўп ситлаб кўя қолган, қорамолларни еб, камомд қилди, деган надомат ва тўхматни елкамади кўтариб юрган бўлардим. Шундан сўнг қатор давлат идоралари ва ҳуқуқ-тартибот органларига мурожаат қилишга мажбур бўлдим.

Бошқа бир ҳўжатни қарайми:

Ҳўжалиқ асосан қорвачиликка ихтисослашганлиги учун Турдиев ноҳақ ишдан бўшатирилгани туғрисидаги аризаси Қашқадарё вилоят қоракўчлилик бирлашмаси ҳуқуқшуноси Н.Қурбонов томонидан атрофлича ўрганилиб, 148-сонли хат билан ҳўжалиқ бошқаруви раиси Ж.Жўраевга, Д.Турдиевни қайтадан ўз ўрнига ишга тиклаш ҳақида тавсия қилинади. Жавоб ҳам, муносабат ҳам йўқ! Д.Турдиев мурожаати асосида масала 1999 йил 21 декабрда қасаба уюшмаси меҳнат низолари бўйича комиссияда қўрилади. Комиссия унинг ноҳақ ва қонунсиз ишдан бўшатирилганини эътироф этди, раисга ўз қарорини юборди. Аммо раис "оғизга талқон солган-

сонли хат орқали Д.Турдиев ноҳақ ишдан бўшатирилгани ва уни ўз ўрнига қайта тиклаш лозимлиги туғрисида. Шунингдек, Қашқадарё вилоят қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси бошлиги Ф.Ашуровнинг имзосисиз, бажарувчи Х.Жўраевнинг имзаси билан 2000 йил 14 январ кунги билдиргисиде ҳам Д.Турдиевнинг аризаси юзасидан текширув ўтказиб, натижаси ҳақида Деҳқонobod туман ҳокими ўринбосари И.Тошмировга, "Деҳқонobod" кооператив пайҳалиқ ҳўжалиги раиси Ж.Жўраевга ҳамда Д.Турдиев номига хат юборилди. Уларда шундай фикрлар битилган (кўчирма):

1. "...ҳўжалиқнинг 1999 йил 8 ноябр 38-сонли кенгаш қарорига асосан Турдиев Давлат мол туёқ сонларини қаматирилганлиги, мол турларининг ўзгаришига йўл қўйилганлиги, режадаги бузуқ олинмаганлиги, маҳсулот ишлаб чиқариш ва давлатта сотиш режаларининг бажарилмаганлиги сабабли вазирамдан озод қилинган. Аммо унинг касаллик

даврида ишдан бўшатирилиши қонунга зид бўлиб, вазирамдан озод қилиш масаласи соғаб чиққандан сўнг амалга ошириш лозим эди".

2. "...ҳақиқатда эса маълумоти бўлмаган Раис Зибдулло 1999 йил 8 ноябр 38-сонли қарорига асосан Турдиевнинг ўрнига ферма мудир қилиб тайинланган. Бир вақтининг ўзида унинг

қилинган ва ойлик маошидан 30 фоиз чегириб қолиш жазоси белгиланган. Ўз Р.ЖПҚнинг 83-моддаси 2-қисми билан жиноят ишининг Д.Турдиевга нисбатан қисми ҳаракатдан тўхтатилган.

Демак Д.Турдиевнинг ҳаракатида жиноят таркиби аниқланмаган. Агар бошқа далилларга мурожаат қилинган бўлмас, ҳўжалиқ раиси Ж.Жўраев топириги билан шартноманинг 5-банди мажбуриятлари сохташтирилган. Унда қорамол вазири ўсиш омилини 85 центнер рақами бошқа рақамдаги рўқча билан ёзилиб, гўё Д.Турдиевнинг айбдорлик даражасини ошириб кўрсатмоқчи бўлган. Турдиевдаги шартнома нўхсасида эса бу рақам асп ҳолида қолган.

Ҳўжалиқ бошқарув кенгаши йиғилишининг 2000 йил 16 январдаги қарори баённомаси 2-бандида Д.Турдиев шартнома талабига кўра режими бажармади, деган воқиялар келтирилган. Ҳақиқатда эса 1999 йил декабр ойида туман қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси қорва бўлими бошлиги С.Эшбоева декабр ойида туғилган бузоқларни ҳисобга олиш ҳақида расман ариза билан мурожаат қилган бўлса-да, тўрт бош бузуқ 2000 йил ҳисобига киритиб юборилган. Бор-йўқ гап шу ҳолат. Қорамоллар яйловда боқилганлиги боис режадаги 17 тонна сут ўрнига 7 тонна сут ҳўжат асосида топширилган, лекин ҳўжалиқ 4,5 тонна сут топширди деб туман статистика бўлимига ҳисобот топширган. Д.Турдиев ҳисобидеги 2,5 тонна сут ҳавога учганини, бошқами, негадир ҳисобда йўқ.

Хуллас, Д.Турдиев қаерга ва кимга ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиши сўраб мурожаат қилмасин, ҳўжалиқ бошқаруви раиси Ж.Жўраевнинг қонуний иш фаолияти эътироф этилиб, уни қайта ўз иш жойига тиклаш масаласи қўйилверган. Раис ошоничка кўл кўтариб, қилган хато-камчиликлари ва бошқа салбий ҳаракатлари иқдор бўлдиғанлар хилдан эмас эканлиги, ҳар қандай юқори туруви идора, ҳуқуқ-тартибот органлари қарори тавсиясига напосандлик билан қараб келаверган.

Шундан сўнг Д.Турдиев Ж.Жўраевнинг ҳўжалиқ моддий молларини талон-тороҳ қилаётганлиги ҳақида далиллар тўплаб, уларни асослаштириб, юқори идораларга ариза билан мурожаат қилган. Жумладан, гўё вилоят ҳокимининг шахсон ташаббуси билан 2000 йил 10 январда вилоят бўйича ҳайр-эҳсон ойиги тўғрисида қилинган эмиш, ҳўжалиқдан 150 кг гўшт, яъни 1999 йилда туғилган 14 бош қўчқор ҳайрига шартномада ҳўжалиқдаги бева-бечоралар, етим-есирлар, қариялар ва ногирон болаларга бепул берилсин дейилганмиш. Аризам юзасидан жаваб юборганлардан бири — туман статистика ва ҳисоблаш ишлар маркази бошлиги А.Ҳимматов, шу марказ бошлиги ўринбосари У.Эшатов томонидан ариза ўрганиб чиқилганлиги, 9 та маҳалла кўмитаси раисларининг тушунтириш хатларига кўра бирорта кўзи ёки гўшт худуддаги бирор шахсга берилмаганлиги ва икки бош қорамол сохта ҳўжатлар билан сотиб юборганлиги факти аниқланганлиги 2000 йил 12 апрелдаги билдирги билан хабар қилган.

Хуллас, Қашқадарё вилоят Қоракўл акциядорлик бирлашмасига қарашли мазкур ҳўжалиқдаги нохуш ҳолат, ўшбуларчилик, манманлик, сарсонгарчилик ва қонунбузарликлар ўйлашмиш, вилоят ва туман ҳокимликлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари, хусусан, прокуратура томонидан ҳолисона ва атрофлича ўрганилиб, бу масалага албатта, ойдишлик киритилмоғи керак. Наҳотки, ҳолат юқоридагидек ойдин бўла туриб, битта "ўзига бек" раисни қонунларни, инсон ҳуқуқини ҳурмат қилиш йўлига чақириб бўлмасе? Ўзбошимчилик, манманлик, чорасизлик ҳам эви билан-да!

Ортиқбой ХУДОЙБЕРДИЕВ, "Инсон ва қонун"нинг махсус муҳбир

## PIFFNES SHOW

### ЭНГ КАТТА ҚАНДИЛ

Энг катта қандил 1988 йилнинг ноябрида Жанубий Корейнинг Сеул шаҳридаги Кукхе Лайтинг Ко ЛТД компанияси томонидан ишлаб чиқарилган. Ушбу қандилнинг узунлиги 12 метр бўлиб, ондаги лампочкалар сони 700 тадир. Айни дамда қандил Сеулдаги "Лотте Чемшил" универмагининг уч қаватини эгаллаб турибди.

### ТЕРРИ ТЕССМАННИНГ ИХТИРОСИ

Дунёдаги энг узун икки оёқлик велосипед Янги Зеландиялик Терри Тессман томонидан ихтиро қилинган. Унинг узунлиги 22,24 м, оғирлиги эса 340 кг га тенг.

### 660 ВАГОНЛИ ПОЕЗД

Ҳозирги кунда жаҳонда энг узун ва энг оғир юк ташувчи поездининг узунлиги 7,3 км бўлиб, у Сихсен-Салдана, ЖАР бўйлаб 961 км масофани 22 соат 40 минутда босиб ўтди. Поезд таркибиде 660 вагон бўлиб, ҳар бир вагонда 105 тоннагача юк ортилган эди. Ушбу вагонларни 16 электровоз бутун таркиби бўйича тақсимлаб юргизган.

### "ЙОНДХ-СТРИТ"-ЭНГ УЗУН КЎЧА

Дунёдаги энг узун кўчалардан бири Канадининг Торонто шаҳридаги "Йондх-стрит" кўчаси ҳисобланади. Унинг узунлиги 1896,3 км.ни ўз ичига олади.

### "БУЮК КАНАЛ"

Қадимги дунё тарихида Пекиндан то Ханжоу оралиги бўйлаб чўзилган энг узун канал — "Буюк канал" ҳисобланади. Бу иншоотнинг қурилиши эраимиздан олдинги 540 йилда бошланиб, 1327 йилда (узунлиги 1781 км. етганда) битрилган. 1950 йилга келиб узоқ вақт давомида қаровсиз қолган канал чўчилигининг энг юқори курсаткичи 1,8 м.ни ташкил этган. Ҳозирги кунда канал қайта таъмирланиб, у 2000 тонна оғирликдаги кемалар учун ҳам бемалол хизмат қилмоқда.

### "БЕПЕЛЬГЕЙЗ" ЮЛДУЗИ

Коинотда энг йирик ҳисобланмиш юлдузининг диаметри 700 млн. км бўлиб, бу тахминан кўш диаметрдан 500 баробар катта. Ушбу юлдуз энг баҳаёбат Бепельгейзе (альфанинг Орион юлдузлар туркуми) синфига кирди. Ер шаридан 310 ёруғлик йилига тенг узоқликда жойлашган.

### ЖАҲОН МИКЎСИДАГИ РЕКОРД

Антарктиканинг "Восток" станциясида 1983 йил 21 июлда денгиз сатҳидан 3420 метр баландликда энг паст ҳарорат 89,2 °C бўлиб, бу бутун жаҳон миқёсида рекорд даражасига чикди.

### ВАЙ-АЛЕ-АЛЕ ТОҒЛАРИ

Дунёда энг кўп ёғингарчилик Гавай оролининг Вай-Але-Але тоғларида юз берди. Ёғингарчилик бир йилда 350 кунни ташкил қилади.

Улугбек ДЎСМАТОВ тайёради

## ЖАННАТМАКОН "ОҚТОШ" БАҒРИДА

Соғлом авлод умиди



касалликлари билан оғриган бир ярим мингдан зиёд беморларни ўз қучоғига олган мазкур сийхатгоҳнинг Аюқой

ғлом авлод дастурининг бажарилишига қандай улуш қўшаёсизлар?

- Бу йил оналар ва болалар бўлими ташкил этилиб, ҳозирда ўпка, нафас йўллари касаллиги билан оғриган 32 нафар болалар оналари билан бирга саломатликларини тикламоқдалар. 84 кишидан иборат тиббиёт ходимлари: педиатор, кардиолог, гинеколог, кульмонолог ўз миҳозлари атрофида парвона. Бундан ташқари ногирон болалар учун имтиёзли даволашни йўлга қўйганмиз.

Тўрт оилага мўлжалланган коттеж қурилиши бошлаб юбо-

рилган. Бундан ташқари табиий газ олиб келиши, чиқинди сувлари учун канализация улаш мақсадида елиб-югураёмиз.

Даволашда битта нарсамавжуд — Гиппократ қасамеди. Эзгу ниятимиз эса ягона — инсон саломатлигини муҳофазе қилиш, фарзандларимиз чехрасини фақат шод қўриш.

Одамнинг юзи қачон иссиқ бўлади? Қачонки бир-бирига ҳолисона ёрдам кўрсатса. Инсонлар фақат дори-дармонлардан, шифобахш ҳаво-сувлардан эмас, бизнинг самимий муносабатимиздан, илиқ сўзимиздан ҳам шифо топишин. Зотан, биргина сўз инсон тақдирини ҳал қилиши мумкин.

Хуллас, минг марта эшитгандан, бир марта кўрган афзал, деган нақлга амал қилиб, ёзининг жазирама кунларида жаннатмакон "Оқтош" бағрида мазза қилиб ҳордиқ чиқаринг, сўзларимиз ростлигига амин бўласиз.

Арофат ОРТИҚОВА, Юлдуз МИРЗАКАРИМОВА



Тоғлардан шарқираб тушаётган зилол булоқ сувларининг тошдан-тошга урилиб, шовуллаб оқиши, сўлим болларда қушларнинг чўғур-чўғур сайраши, ғир-ғир шабада эсиб турган шинам ва озода хоналар...

Ёзининг айна жазирасида ҳордиқ чиқариш истагида бўлган кишининг бундан ортиқ орзуси бўлмас керак. Республика Қасаба уюшмалари Марказий кенгаши қурорлар бошқармасига қарашли "Оқтош" сийхатгоҳида ана шундай шароитлар мўхайё.

Оромгоҳимиз Ўзбекистондаги бошқа сийхатгоҳлардан ўзининг ажойиб мусаффо табиати билан фарқ қилади, - дейди директор Урмонбой ака Тулаганов. - Йилнинг тўрт фаслида ҳам бу ерда дам олувчилар бисёр. Кимдир чарчоғини чиқариш учун, яна кимдир соғлигини тиклаш ниятида зилол булоқ сувларини, шифокорлар муолажалари билан даво истаб келади. Энг асосийси, ташриф буюрганларнинг барчаси кўнгилдагидек дам олиб кетишади.

Юрак, нафас йўллари, ўпка



ҳамда Оқтош сойлари қўшилган дарада макон толгани бежиз эмас, албатта. Бизга келган беморларнинг 99 фоизи дарддан фориг бўлиб кетади, десам ҳайрон бўлманг. Чунки беморларни табиий йўл билан даволаймиз. Шифобахш дараклардан арча, эман, бодом, ёнғоқлар эфир мойини чиқаради. Бунинг ҳисобига микроклимат пайдо бўлади, гидроаэронизация ҳосил бўлади. Дарахтлар ўздан тарқатган эфир мойи эса нафас йўллари кенгайтириш хусусиятига эга.

- Шифокор сифатида Со-



Суратларда: сийхатгоҳ ҳайтидан лавҳалар. Шавкат АҚРОМОВ олган суратлар.



ҚИШЛОҚ ОҚШОМИ...

## Ўтганларнинг охираму обод бўлсин! Абдулқосим МАМАТҚУЛОВ

Республика миз ҳуқуқшунослари жамоаси орасида танилиб қолган, ажойиб дўст ва инсон, алолат даргоҳларида ўз хизмати билан тилга туша бошлаган ҳуқуқшунос - Абдулқосим Сувонович Маматқулов ҳаётининг айна ҳосилга кирган палласида, тўсатдан фожиали вафот этди.



Абдулқосим 1959 йилнинг 17 июлида Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида туғилган, 1981 йилда ТошДунинг ҳуқуқшунослик факультетини тамомлаган эди. Меҳнат фаолиятини жуда эрта - 16 ёшдан, далада оддий ишчиликдан бошлаган. Университет талабалигидан сўнг 1 йил йигитлик бурчи ҳарбий хизматни ҳам ўтаган. Сўнг 1981-84 йиллар мобайнида Термиз шаҳар суди ижрочиси бўлган. 1984 йилдан прокуратура идораларида: Сурхондарё вилоят прокуратураси бўлим прокурори, вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси, 1992 йилда Бандихон туман прокурори, 1994 йилдан Жарқўр-

гон туман прокурори, 1997 йилда Денов туманлараро прокурори лавозимларида ишлаган. 1998-99 йилларда Сурхондарё вилоят прокурорининг ўринбосари бўлган. 1999 йил августдан Тошкент вилоят прокуратурасида умумий назорат бошқармаси бошлиги лавозимида ишлаб келаётган эди.

Абдулқосим Маматқуловни дўстлари жуда қадрларди, ҳамкасблари ҳурмат қилишарди, шоғирдлари эъзозларди, 4 нафар фарзанди - 3 ўғил ва 1 қизи еру кўкка ишониммасди. У яхши инсон ва ажойиб замондош эди.

Ўтган 1999 йилда қирқ ёшга кирган кунини дўстлари даврасида ҳазил қилиб, "қаранглар, ақл тишим чиқибди" деганида унга "ҳа, дўстим вояга етибсиз" дегандик. Аммо афсус, 41 ёшида тўй оғи ўрнига...

Биз учун хотирангиз муқаддас, Абдулқосим, охирагининг обод бўлсин!

Бир гуруҳ дўстлари, ҳамкасблари

МУАССАСЕ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир Файзулла ҚИЛИЧЕВ ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ Сирожиддин РАУПОВ (Бош муҳаррир ўринбосари) Узоқ БОЗОРОВ

Индекс: 646882 «ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси тахририятида саҳифаланиди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усули билан «ШАРҚ» нашриёт матбаа концерни босмаҳонасида босилди.

Навбатчи: Н. ТУРСУНЗОДА Компьютерда оригинал макет тайёрловчи: У. ДЎСМАТОВ Компьютерда матн терувчи: М. ДЎСТОВА

700047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси. Тел: 133-241111, 132-111111 «Инсон ва қонун» газетаси 1999 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентлиги қўмитасида 00141-сон билан рўйхатдан ўтган.

MAKATIB